

## Фойдаланувчи шартномаси

Ушбу ҳужжат масъулияти чекланган жамият «MOOMKIN» (кейинги ўринларда — «Оператор») томонидан ҳар қандай жисмоний шахсга (кейинги ўринларда — «Фойдаланувчи») йўналтирилган расмий таклиф (оммавий оферта) ҳисобланади, у «MOOMKIN» мобил иловасининг (кейинги ўринларда – «Илова») функционал имкониятларидан фойдаланишни хоҳлайди.

Иловани ўрнатиш, рўйхатдан ўтиш ёки ундан фойдаланиш Фойдаланувчи томонидан ушбу оферта шартларини тўлиқ ва шартсиз қабул қилганлигини англатади. Фойдаланувчи шартномаси Фойдаланувчи томонидан Илованинг ҳар қандай функционал имкониятларидан фойдаланиш бошланиши билан дарҳол кучга киради ва муддатсиз амал қилади. Фойдаланувчи ушбу Шартнома мазмуни ва шартлари билан диққат билан танишиш мажбуриятини олади.

Агар Шартноманинг бир ёки бир нечта банди бирор сабабларга кўра ҳақиқий эмас деб топилса ёки юридик кучга эга бўлмаса, бу ҳолат Шартноманинг қолган қисмларининг ҳақиқийлигига таъсир кўрсатмайди ва Шартнома ушбу ҳақиқий эмас банди ўз ичига олмаган ҳолда талқин этилиши лозим.

### 1. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

- **Аккаунт** — Иловани рўйхатдан ўтгандан кейин Фойдаланувчига бериладиган уникал идентификатор (агар назарда тутилган бўлса).
- **Акцепт** — Фойдаланувчи томонидан амалга оширилган ҳаракатлар (иловани ўрнатиш, рўйхатдан ўтиш, Илованинг ҳар қандай функционал имкониятларидан фойдаланиш), улар Фойдаланувчи шартномасини ҳеч қандай эътироз ва истисноларсиз тўлиқ қабул қилганлигини англатади.
- **Контент** — Сотувчи томонидан жойлаштирилган маълумотлар (матнлар, расмлар ва бошқалар), улар матн материаллари, видео материалларга ҳаволалар, фотосуратлар, график элементлар, интеллектуал фаолият натижалари ва бошқа ҳуқуқ объектларига кирмайдиган элементлардан иборат бўлиб, Публикацияни ташкил қилади.
- **Оператор** — «MOOMKIN» МЧЖ (СТИР: 312136148; Юридик манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ботирма МФЙ, 17-мавзе, 33-уй, 118-хонадон), Илованинг эгаси ва администратори.
- **Фойдаланувчи** — мазкур Шартнома билан қўшилган, Иловани акциялар, чегирмалар ва махсус таклифлар ҳақида маълумот олиш учун фойдаланадиган ҳуқуқий лаёқатга эга жисмоний шахс.
- **Илова** — iOS ва Android операцион тизимидаги мобил қурилмаларга ўрнатиш ва фойдаланиш учун мўлжалланган, Оператор томонидан тақдим этилган MOOMKIN дастурий таъминоти. Илованинг мақсади — Фойдаланувчиларга Сотувчиларнинг таклифлари, чегирмалари ва

акциялари ҳақида маълумот бериш, шунингдек Оператор назарда тутган бошқа функциялардан фойдаланиш имкониятини бериш.

- **Сотувчи** — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган ва товарларни сотиш ва/ёки хизматлар кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахс, якка тартибдаги тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахс.
- **Публикация** — тадбирлар, акциялар ва Сотувчи таклифлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган ахборот материаллари, шунингдек товарлар/хизматлар бўйича турли рағбатлантирувчи маълумотлар.

## **2. ОФЕРТА ПРЕДМЕТИ**

2.1. Оператор Фойдаланувчига Иловани шахсий, но-тижорат мақсадларда Публикацияларни (Сотувчилар жойлаштирган Контентни) олиш учун бепул фойдаланиш ҳуқуқини беради.

2.2. Илова маълумотнома хусусиятига эга: Оператор товар ёки хизматларнинг Сотувчиси эмас, балки Фойдаланувчига Сотувчилардан олинган маълумотларни тақдим этувчи воситачи ҳисобланади.

2.3. Фойдаланувчига Илованинг кўшимча функцияларидан фойдаланиш имконияти берилishi мумкин, жумладан:

- янги акция ва чегирмалар ҳақида push-хабарномалар;
- шахсий тавсиялар;
- таклифларни «севимлилар»га кўшиш имконияти;
- ижтимоий тармоқлар ва учинчи томон сервислари орқали кириш (Apple, Google, Telegram ва бошқалар).

## **3. РЕГИСТРАЦИЯ ВА АКЦЕПТ**

3.1. Илованинг айрим функцияларидан фойдаланиш учун Фойдаланувчидан рўйхатдан ўтиш ва Аккаунт яратиш талаб қилиниши мумкин.

3.2. Рўйхатдан ўтиш жараёнида Фойдаланувчи ҳаққоний ва амалдаги маълумотларни тақдим этишга ҳамда мазкур оферта шартларига розилик берганини тасдиқлайди.

3.3. Мазкур офертани акцепт қилиш деб Фойдаланувчининг ҳар қандай конклюдент ҳаракатлари эътироф этилади, жумладан рўйхатдан ўтиш, Иловани фаоллаштириш ёки унинг функционалидан фойдаланиш (масалан, купон қўллаш, филтрлардан фойдаланиш ва бошқа функциялар).

3.4. Акцепт амалга оширилган пайтдан оферта Оператор ва Фойдаланувчи ўртасида шартнома кучини олади ва Фойдаланувчи мазкур келишув шартларига риоя қилишга мажбур бўлади.

## **4. ФОЙДАЛАНИШ ШАРТЛАРИ**

4.1. Илованинг мақсади фақат шахсий, но-коммерциявий фойдаланиш учун мўлжалланган.

4.2. Оператор Илованинг функционалини ва ундан фойдаланиш шартларини исталган вақтда олдиндан хабардор қилмасдан ўзгартириш ҳуқуқига эга.

4.3. Агар Фойдаланувчи киритилган ўзгаришларга рози бўлмаса, у Иловани ишлатишни тўхтатиши ва уни қурилмасидан ўчириши шарт.

4.4. Фойдаланувчи қуйидагиларни бажаришга мажбур:

- Иловани Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва бошқа амалга тааллуқли нормаларни бузган ҳолда ишлатмаслик;
- зарарли, провокацион ёки тақиқланган Контент жойлаштирмаслик;
- жамоат ахлоқи ва виждонлилик меъёрларига риоя қилиш.

4.5. Фойдаланувчи Илова орқали жойлаштирган Публикацияларидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва қонунийлиги учун, шунингдек, интеллектуал мулк объектлари ва индивидуаллаштириш воситаларидан қонуний фойдаланганлиги учун тўлиқ жавобгар ҳисобланади.

4.6. Илова орқали акциялар, чегирмалар ва таклифлар ҳақида маълумот олишда Фойдаланувчига ушбу маълумотлар Сотувчилар томонидан тақдим этилиши ёки оммавий манбалардан олинishi ҳақида хабар берилади. Оператор уларнинг аниқлиги, долзарблиги ва ишончлилигига кафолат бермайди, уларнинг ҳақиқатга мос келиш учун жавобгар ҳисобланмайди. Илованинг маълумотлари фақат маълумот учун тақдим этилади ва Оператор ёки Сотувчининг оммавий офертаси ҳисобланмайди. Фойдаланувчи акцияларда иштирок этиш имкониятини ва уларнинг шартларига мувофиқлигини мустақил равишда текшириши шарт.

4.7. Илова Фойдаланувчига геолокациядан фойдаланиш орқали савдо нуқталари ёки ташкилотларни қидириш имконини бериши мумкин. Ушбу функционалдан фойдаланиш орқали Фойдаланувчи ўз геомасълумотларини қайта ишлаш ва фойдаланишга розилик беради.

4.8. Фойдаланувчи ўз Аккаунти орқали шахсийлаштирилган таклифлар ва хабарларни олиши мумкин, улар Фойдаланувчининг иловадан фойдаланиши жараёнидаги афзалликлари, қизиқишлари ва ҳаракатлари асосида шакллантирилади.

## **5. ЖАВОБГАРЛИК**

5.1. Оператор Сотувчиларнинг ҳаракатлари, улар тақдим этган маълумотларнинг аниқлиги ёки долзарблиги ҳамда улардан фойдаланиш оқибатлари учун жавобгар эмас.

5.2. Илова «қандай бўлса, шундай» ҳолатда тақдим этилади — узлуксиз ишлаш ёки Фойдаланувчининг кутган натижаларига мос келиш кафолатланмайди.

5.3. Оператор ўзидан ташқари сабаблар туфайли (масалан, интернет-провайдер муаммолари, Фойдаланувчининг қурилмаси ишдан чиқиши ва ҳ.к.) юзага келган носозликлар, хатолар, маълумотларни йўқотиш ёки иловага кириш имконияти йўқолиши учун жавобгар эмас.

## 6. ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАР

6.1. Илованинг функционалидан фойдаланишни бошлаб ёки рўйхатдан ўтиш орқали Фойдаланувчи ООО «MOOMKIN»га шахсий маълумотларни **махфийлик сиёсати** шартлари асосида қайта ишлаш ҳуқуқини тақдим этганини тасдиқлайди, жумладан:

6.1.1. рўйхатдан ўтиш вақтида кўрсатилган маълумотлар (Ф.И.О., туғилган сана, жинс, контакт маълумотлари, электрон почта манзили, телефон рақами, геолокация, қизиқишлар, ҳаракатлар ва харидлар тўғрисида маълумотлар);

6.1.2. Иловадан фойдаланиш жараёнида автоматик равишда йиғиладиган маълумотлар, жумладан cookie-файллар, IP-манзил, қурилма тури, ОС версияси, геолокация, Иловадаги ҳаракатлар, кириш санаси ва вақти;

6.1.3. Махфийлик сиёсатда кўрсатилган бошқа маълумотлар.

6.2. Шахсий маълумотлар автоматлаштирилган ёки автоматлаштирилмаган усулларда қайта ишланиши мумкин, жумладан йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, аниқлаштириш, фойдаланиш, узатиш, шахссизлантириш, блоклаш ва ўчириш.

6.3. Маълумотларни қайта ишлаш мақсадлари:

- Фойдаланувчини идентификация ва авторизация қилиш;
- Контент сифатини ошириш ва шахсийлаштириш;
- янгиланишлар ва таклифлар ҳақида хабар бериш;
- рағбатлантирувчи тадбирларда иштирок этиш;
- статистик ва маркетинг тадқиқотлар ўтказиш;
- мазкур оферта бўйича мажбуриятларни бажариш.

6.4. Шахсий маълумотлар қонун доирасида зарур бўлса, Сотувчиларга ёки Операторнинг бошқа ҳамкорларига хизматларни тақдим этиш ёки махсус дастурларда иштирок этиш мақсадида берилши мумкин.

6.5. Фойдаланувчи ўз маълумотларини шахсий кабинет орқали ёки тегишли сўров юбориш орқали ўзгартириш ёки ўчириш ҳуқуқига эга.

6.6. Шахсий маълумотлар Иловадан фойдаланиш давомида ва Аккаунт ўчирилгандан сўнг 3 (уч) йил мобайнида қайта ишланиши мумкин, агар қонун бошқача тартибни талаб этмаса.

6.7. Шахсий маълумотларга оид сўровлар, мурожаатлар ва фикрлар Операторнинг электрон почта манзили орқали қабул қилинади.

## **7. ХАБАРНОМАЛАР ВА ТАРҚАТИШЛАР**

7.1. Иловани ўрнатиш орқали Фойдаланувчи push-хабарномалар ва ахборот тарқатишларни олишга розилик беради.

7.2. Фойдаланувчи хабарномаларни ўз қурилмаси ёки Илованинг созиламаларида ўчириши мумкин.

7.3. Оператор оферта, фойдаланиш шартлари ёки Махфийлик сиёсатидаги ўзгаришлар ҳақида муҳим маълумотларни, бундай хабарномаларни олишдан бош тортиш имкониятисиз, юбориши мумкин.

## **8. Фойдаланишдан ВОЗ КЕЧИШ**

8.1. Фойдаланувчи исталган вақтда Иловани ишлатишни тўхтатиш, уни қурилмасидан ўчириш ва/ёки ўз Аккаунтини ўчириш ҳуқуқига эга.

8.2. Аккаунт ёки Иловани ўчириш фойдаланишдан воз кечиш ва Фойдаланувчи келишувини бекор қилиш сифатида ҳисобланади.

8.3. Фойдаланувчи оферта шартларини бузган тақдирда, Оператор унинг Аккаунтини ўчириши ёки киришни чеклаши мумкин.

## **9. ЖАВОБГАРЛИКНИ ЧЕКЛАШ**

9.1. Операторнинг жавобгарлигини белгилайдиган ягона манбалар ушбу Шартнома ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидир.

9.2. Оператор Иловага жойлаштирилган товарлар ёки хизматларнинг Сотувчиси ҳисобланмайди, шунингдек, учинчи шахслар томонидан ўтказиладиган акциялар, тадбирлар ёки промо-кампанияларнинг ташкилотчиси, ҳамташкilotчиси ёки ижрочиси эмас. Бундай акцияларни амалга ошириш ва ўтказиш учун тўлиқ жавобгарлик уларни ташкил этган Сотувчилар ёки бошқа шахсларга тегишли.

9.3. Оператор Иловада жойлаштирилган маълумотларнинг мавжудлиги, аниқлиги ёки ишончилигини, шунингдек, Илова орқали ҳаволалар бўлиши мумкин бўлган ташқи манбалардаги маълумотларни қафолатламайди. Илованинг ўз ичига оладиган ҳар қандай ҳавола (ҳар қандай шаклда) исталган

сайтга, маҳсулотга, хизматга ёки тижоратий ёки нотижоратий характердаги маълумотга, агар бу ҳақида Илова ичида алоҳида кўрсатилмаган бўлса, Оператор томонидан бундай маҳсулотлар, хизматлар ёки фаолиятнинг маъқулланиши ёки тавсия қилиниши ҳисобланмайди.

9.4. Оператор учинчи шахсларнинг интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларига риоя қилиш учун барча чораларни кўради. Бироқ, Илова Сотувчилар ва Фойдаланувчилар томонидан олдиндан модерация қилинмасдан Контент жойлаштириш имкониятини тақдим этгани боис, ҳуқуқларни бузувчи материалларни тезкорлик билан ўчириш қийин бўлиши мумкин.

9.5. Интеллектуал мулк объектлари ҳуқуқ эгалари талабига кўра, ноқонуний равишда Иловага жойлаштирилган материаллар, шунингдек, интеллектуал ҳуқуқларни бузиш ҳақида маълумот мавжуд бўлган тақдирда, Оператор бу материалларни дарҳол ўчиришга мажбур.

9.6. Оператор Фойдаланувчи олдида Иловадан, Публикациялардан ёки Илова орқали мавжуд бўлган бошқа Контентдан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда юзага келган ҳар қандай билвосита, тасодифий ёки назарда тутилмаган зарар учун, шу жумладан, ўтказиб юборилган фойда, йўқотилган маълумотлар, шаън, кадр-қиммат ёки ишбилармонлик обрўсига етказилган зарар учун жавобгар эмас.

## **10. ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲУҚУҚЛАРИ**

10.1. Фойдаланувчига тегишли ҳуқуқ берилмаган ҳолларда ёки тегишли натижага бўлган истисно ҳуқуқи амал қилиш муддати тугамаган тақдирда, у Иловага учинчи шахсларнинг интеллектуал фаолият натижалари ёки индивидуаллаштириш воситаларини жойлаштиришга ҳақли эмас. Чет эл Публикациясини қўшганда ёки Публикацияда бошқа интеллектуал мулк объектларини жойлаштирганда, Фойдаланувчи бундай ҳаракатларнинг қонунийлиги учун кафолат беради. Оммавий (очиқ) манбалардан олинган маълумотларга асосланган Публикацияларни Иловага жойлаштириш Оператор томонидан алоҳида **Сотувчи** ёки Ҳуқуқ эгасидан рухсат олинмасдан амалга оширилиши мумкин, агар бундай жойлаштириш амалдаги қонунчиликка ва учинчи шахсларнинг ҳуқуқларига зид бўлмаса.

10.2. Агар Публикациялар ёки бошқа Контентнинг ҳуқуқ эгаси Фойдаланувчи бўлса, уларни Иловага жойлаштирганда у Операторга қуйидаги йўллар билан ушбу объектлардан фойдаланиш учун содда (истисно қилинмаган) лицензияни беради: қайта ишлаб чиқиш (нусха олиш), таржима қилиш ёки қайта ишлаш (ўзгартириш), умумий фойдаланиш учун етказиш, шунингдек, Илова фаолият кўрсатиши мақсадида бошқа усулларда фойдаланиш.

10.3. Кўрсатилган ҳуқуқлар Фойдаланувчи томонидан бепул асосда, тегишли интеллектуал фаолият натижасига бўлган истисно ҳуқуқи амал қилишнинг бутун муддати давомида, ҳудудий чекловларсиз ва сублицензия бериш ҳуқуқи билан тақдим этилади.

10.4. Фойдаланувчи Аккаунти деактивация қилинганда, Операторга аввал жойлаштирилган Публикациялар ёки Контентга нисбатан берилган содда истисно қилинмаган лицензия амал қилишдан тўхтамайди.

10.5. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунчиликда бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, Илованинг материалларини нусха олиш, тарқатиш, учинчи шахсларга бериш, эълон қилиш ёки бошқа усулда фойдаланиш тақиқланади.

10.6. Фойдаланувчи Илова ва/ёки унинг фаолияти учун зарур бўлган сервислар дастурий кодини декомпиляция қилиш, дизассемблировка қилиш, модификация қилиш ҳуқуқига эга эмас.

## **11. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

11.1. Оферта Илова ўрнатилган/фойдаланилган пайтдан бошлаб кучга киради ва янги таҳрири эълон қилингунига қадар амал қилади.

1.2. Оператор оферта шартларини бир томонлама тартибда ўзгартириши мумкин. Янги таҳрир эълон қилинган пайтдан кучга киради.

11.3. Барча низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳал этилади.

11.4. Оператор сабабларни тушунтирмасдан Илога киришни рад этиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

**МЧЖ «МООМКИН»**

СТИР: 312136148

Юридик манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ботирма МФЙ, 17-мавзе, 33-уй, 118-хонадон

Қўллаб-қувватлаш учун электрон почта: [Email кўрсатилиши керак]

Охири таҳрир санаси: «    » 2025 йил Август